

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАШОВА УМИДАХОН АНВАРЖАНОВНА**

**ИТУЗУМДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ ЭКИНЛАРДА ЗАРАР  
КЕЛТИРУВЧИ ҒОВАКЛОВЧИ ПАШШАЛАР (*Agromyzidae*) ВА УЛАР  
МИҚДОРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Исашова Умидахон Анваржановна**

Итузумдошлар оиласига мансуб экинларда зарар келтирувчи  
говакловчи пашшалар (Agromyzidae) ва улар миқдорини бошқариш  
усуллари..... 3

**Исашова Умидахон Анваржановна**

Минирующие мухи (Agromyzidae), повреждающие культуры семейства  
паслёновых и методы управления их численности..... 19

**Isashova Umidakhon Anvarjanovna**

Leafminers (Agromyzidae) that infest solanaceous crops and methods of  
managing their numbers..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАШОВА УМИДАХОН АНВАРЖАНОВНА**

**ИТУЗУМДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ ЭКИНЛАРДА ЗАРАР  
КЕЛТИРУВЧИ ҒОВАКЛОВЧИ ПАШШАЛАР (*Agromyzidae*) ВА УЛАР  
МИҚДОРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx299 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Аманов Шухрат Баҳтиёрович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Маматов Камол Шавқиевич**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Зоология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « 21 » декабр, соат 13<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (535950 - рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил « 7 » декабрда тарқатилди.  
(2018 йил « 3 » декабрдаги 35.4 рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Э.Намазов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

**Я.Х. Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ер юзи аҳолисининг 3/1 қисмининг очликдан азият чекаётганлиги қишлоқ хўжалигида ерлардан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга янги инновацион илмий технологияларни жалб этиш талаб этилади. Айниқса инсон томонидан тўғридан тўғри истеъмол қилинувчи мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб ҳам йил сайин ортиши кузатилмоқда. Шу билан бирга аҳолига йил давомида экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришда қишлоқ хўжалиги амалиётига замонавий илмий асосланган технологияларни яратиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Дунё миқёсида сабзавот экинларини етиштириш давомида уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда қатор муаммолар юзага келиб, ер юзида етиштирилаётган сабзавот экинларининг ўртача 20-40% зараркунанда ва касалликлар таъсирида нобуд бўлаётганлиги кузатилмоқда<sup>1</sup>. Бундан ташқари зараркунанда ва касалликлар миқдорини бошқаришда қўлланилаётган кўплаб кимёвий воситалар атроф муҳит ва инсон саломатлигига таъсир қилиб, қарши қўлланилаётган зарарли организмларнинг ушбу пестицидларга чидамли авлодлари юзага келмоқда. Юзага келаётган муаммонинг янада ортишига ер юзида иқлим шароитининг глобал ўзгариши ҳам ўз таъсирини ўтказиб, биологик занжирнинг бузилиши, айрим зараркунандалар миқдорининг кескин ортиши юзага келиб, улар миқдорини бошқаришда қатор муаммолар юзага келмоқда.

Республикамизнинг мўътадил иқлим шароитлари деҳқончилик учун қулай бўлиши билан бирга, зарарли организмлар кўпайиши учун ҳам кенг имконият яратади. Республикамизда сабзавотчилик тармоғи ҳам бошқа тармоқлар каби жадаллик билан ривожланмоқда. Айниқса мева-сабзавот экинларини экспорт қилиш салоҳиятини оширишнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини мустаҳкамлашда аҳамияти катта. Сабзавотчиликни ривожлантиришда янги навларни яратиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Сабзавот экинлари Республикамизда 344 минг гектардан ортиқ очик майдонга, 10 минг гектардан зиёдроқ иссиқхонларда экилмоқда. Сабзавот экинларини бир неча турдаги зараркунандалар зарарлайди. Булардан *Agromyzidae* оиласининг айрим вакиллари асосий зараркунандалардан ҳисобланади. Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ривожлантиришда қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини зараркунандалардан сақлаб қолиш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида сабзавот экинларини зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 29

---

<sup>1</sup> FAO, 2016.

мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғовакловчи пашшанинг биологик хусусиятлари, ривожланиши, популяциясининг шаклланиши, энтомофаг турлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича хорижий олимлардан К.Spenser, I.D.Changler, H.S.Sivelik, L.L. Djon, E.Cickman, H.Ranji, Y.Karimpoor, A.Dosti, Lanzoni.A, Abe.Y, Takueuchi, J. Malipatil M.B, H. Walfgong, C.L.Maria Luiza ҳамда МДХ мамлакатлари олимларидан МБ.Ущеков, Б.Злобин, Е.Другова, А.В.Мищенко, Б.А.Сулаймонов, Ш.Ҳўжаев, А.Анорбоев, Б.Ҳамраев, С.Алимухаммедов, А.Ж. Аҳматова, М.Холдаров, М.Рашидов тадқиқотлар олиб боришган.

Бироқ мамлақтимиз ҳудудлари сабзаёт экинларида ғовакловчи пашшалар зарари юқори бўлишига қарамай бўйича ғовакловчи пашшаларнинг тур таркиби, систематик таҳлили, ривожланиши, биоэкологик хусусиятлари, уларнинг табиий кушандалари ва улар миқдорини бошқариш усуллари бўйича етарли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб ғовакловчи пашшаларнинг Андижон вилояти шароитида сабзаёт экинлари агробιοценозида тарқалиш ареали, зарарлилик даражаси, биологик хусусиятлари, табиий кушандалари тур таркиби, уларни кўпайтириш, қўллаш технологиялари, ғовакловчи пашшаларга қарши янги, самарали кимёвий воситаларни қўллаш ва уларнинг самарадор турларини танлаш, ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар ишлаб чиқиш асосида сабзаёт экинлари ҳосилини сақлаб қолиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация бўйича тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг К10-011 «Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг экологик соф, самарали, ресурстежамкор уйғунлашган ҳимоя тизимини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), ҚХА-10-109-IV «Иссиқхоналарда сабзаёт экинлари зараркунандаларига қарши атроф муҳит учун безарар бўлган биологик кураш усуллари излаб топиш асосида экологик соф муҳсулот етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2009-

2011 йй.), КФ5-002 «Ўсимлик зараркунандалари паразитлари ва уларнинг биоценоздаги ривожланиш назарияси» (2012-2016 йй.), ҚХИ-5-105-2014-«Боғ экинларида учрайдиган зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллаш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни жорий этиш» (2014-2015 йй.), ВА-ҚХА-9-004-«Сабзавот экинлар агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларининг таркибий қисмига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** итузумдошли сабзавот экинлари агробиоценозида ғовакловчи пашша турларининг тарқалиши, биологик хусусиятлари, табиий кушандалари, самарали энтомофаг турларини танлаш, популяцияларининг ўзаро нисбати, улар миқдорини бошқаришда биологик ва кимёвий усулларни қўллаш асосида улар миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда фанга амалий ва назарий тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

итузумдошли экинлар агробиоценозида учрайдиган ғовакловчи пашша турлари, биоэкологияси, ғовакловчи пашшаларнинг экин турлари бўйича фитофаглик хусусиятларини аниқлаш;

ғовакловчи пашшаларнинг популяциясининг шаклланиши, зарарлилик даражаси, экин турлари бўйича ривожланишини тадқиқ этиш;

самарали энтомофаглари тур таркиби, биологик хусусиятлари ва паразит-хўжайин муносабатлари, улар миқдорини бошқаришда энтомофагларнинг ролини тадқиқ этиш;

ғовакловчи пашшаларнинг самарали энтомофаг турларини биологик хусусиятларини ўрганиш, қўллашнинг самарали муддат ва меъёрларини аниқлаш;

ғовакловчи пашшаларнинг итузумдошли экинлар агробиоценозида миқдорини бошқаришда самарали кимёвий препаратларни танлаш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш;

ғовакловчи пашшаларнинг миқдорини бошқаришда кураш усул ва воситаларининг хўжалик-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилояти шароитида итузумдош экинлар, уларда учровчи ғоваловчи пашшалар, энтомофаг турлари ва янги кимёвий воситалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** итузумдош экинларда ғоваловчи пашшаларнинг ривожланиш хусусиятлари, самарали энтомофаглари, уларнинг биологияси ва ривожланиши, сабзавот экинларни етиштириш агротехнологияси ҳамда заракунандалардан ҳимоя қилиш усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, биологик, математик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилояти шароитида итузумдошлар оиласига мансуб бўлган экинлар агробиоценозида учрайдиган ғовакловчи пашша турлари систематик таҳлил қилинди;

биринчи маротаба Андижон вилояти шароитида ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда энтомофаг турлари аниқланиб, энтомофаг-хўжайин муносабатларининг шаклланиши, улар популяция зичлигининг ўзгариши илмий ўрганилди;

биринчи маротаба ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқариш мақсадида иссиқхона шароитида паразит энтомофаглари *Dacnusa sibirica*, *Diglyphus isae* турлари қўлланилди ва уларнинг биологик самарадорлиги аниқланди;

мамлакатимиз шароитида кенг тарқалган ғовакловчи пашшалар турлари, биологик хусусиятлари, экин турлари ва популяциялар бўйича фарқланиши исботланди;

ғовакловчи пашшалар турларининг самарали энтомофаг турлари аниқланиб, уларни кўпайтириш ва қўллашнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилди;

итузумдошли экинларда ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда юқори самарага эга бўлган кимёвий воситалар аниқланди ва уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ғовакловчи пашшаларнинг Андижон вилояти шароитида итузумдош экинларда тур таркиби, биологик хусусиятлари, экин турлари бўйича зарарлаш даражалари тадқиқ этилиб кураш чораларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ғовакловчи пашшаларнинг иссиқхоналарда миқдорини бошқариш, экологик тоза сабзавот махсулотларини етиштириш мақсадида самарали паразит энтомофаглари кўпайтириш ва қўллаш зараркунанда миқдорини бошқаришда фойдаланиш ҳамда энтомофагларнинг биологик самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқаришга жорий этилган;

ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда уйғунлашган чоратадбирлари ва шу асосда итузумдош сабзавот экинлар ҳосилдорлигини сақлаб қолиш чоралари ишлаб чиқариш амалиётида фойдаланилган;

ғовакловчи пашшаларнинг очик ва ёпиқ шароитларда ривожланиши, улар миқдорини бошқаришда агротехник ва кимёвий усулларнинг қўллашда воситаларнинг меъёрлари ва қўллаш муддатлари асосида улар миқдорини бошқариш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир неча йиллик лаборатория ва дала тажрибаларини ўсимликларни ҳимоя қириш ва энтомология бўйича умумқабул қилинган ва замонавий услублар асосида олиб борилганлиги, илмий натижаларни ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал ва инновация лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий

этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон шароитида итузумдошли экинлар агробиоценозида фитофаглик хусусиятига эга ғовакловчи пашшаларнинг тур таркиби, зарарлилик даражаси, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш ареали, популяциясининг ўзаро нисбати, самарали энтомофаг турлари, биологик хусусиятлари, паразит-хўжайин муносабатлари шаклланиши, ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда энтомофаг турларининг самарадорлиги, турли пестицидларнинг ғовакловчи пашшаларга нисбатан таъсирини аниқлашда илмий жиҳатдан ёндашувдан иборат.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти сифатида ғовакловчи пашшаларнинг итузумдошли экинлар агробиоценозида миқдорини бошқаришда энтомофаг турларини танлаш, кўпайтириш, уларни қўллаш асосида самарали усулларини жорий этиш, самарали пестицидларни қўллаш асосида зараркунанда миқдорни бошқариш, экин ҳосилини сақлаб қолиш, ўсимликларни химоя қилиш фан соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш, қишлоқ хўжалигидан экологик тоза маҳсулотлар етиштиришдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Итузумдош экинларда ғовакловчи пашшалар (*Agromyzidae*)нинг систематик таҳлили, биоэкологияси ва экин турлари бўйича ривожланиши, энтомофаг турлари, хўжайин-энтомофаг муносабатлари, улар миқдорини бошқариш усуллари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ғовакловчи пашшалар (*Liriomyza sativae* Blanch) турлари миқдорини бошқаришда самарали энтомофаг турини танлаш, кўпайтириш ва қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш асосида зараркунанда миқдорини бошқариш усуллари ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/023-302-сон маълумотномаси). Натижада паразитларнинг ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришдаги биологик самарадорлиги 64,0-75,5 фоизни ташкил этган;

Андижон вилояти иссиқхона шароитида помидордаги *Liriomyza sativae* тури миқдорини самарали бошқариш мақсадида унинг паразитлари *Dacnusa siberica*, *Diglyphus isaea* турлари белгиланган муддат ва меъёрларда қўллаш технологиялари аниқланган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/023-302-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида помидорнинг ҳосилдорлиги ўртача 22-25 ц/га ҳосил сақлаб қолишга эришилган;

ғовакловчи пашшаларнинг миқдори кескин ортганда, улар сонини самарали бошқаришда янги кимёвий воситалар турлари танланган, уларни қўллаш сарф меъёрлари ва муддатлари аниқланган, очиқ ҳамда ёпиқ сабзавотчиликда ғовакловчи пашшаларга қарши ишлаб чиқаришга тавсия берилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/023-302-сон маълумотномаси). Натижада ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда ўртача 86,4% биологик самарадорликка эришилиб, очиқ майдонда

25-27 ц/га, иссиқхона шароитида эса 30-32 ц/га ҳосил сақлаб қолишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети, объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Итузумдошлар оиласига мансуб экинларда ғовакловчи пашшалар (*Agromyzidae*) ўрганилганлиги, зарари ва улар миқдорини бошқариш долзарблиги”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хориж адабиётлари таҳлил қилиниб, ғовакловчи пашша турлари, уларнинг агроценозда ривожланиш динамикаси, зарарлилик даражаси, паразит энтомофаг турлари, ўрганилганлиги, самарали паразит турларини кўпайтириш ва уларни долзарблиги бўйича таъриф келтирилган.

Сабзаёт агробиоценозида паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланиши, ғовакловчи пашшалар сонини бошқариш қонуниятлари назарий-амалий аҳамияти, зараркунанда ва паразит миқдор мезонининг ўзгариши ва унга боғлиқ омиллар, паразит энтомофагларнинг самарадорлигини ошириш, ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар ёритилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ҳудудининг агроиқлимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, тадқиқот материаллари ва услублари ёритилган.

Тадқиқотлар 2015-2017 йиллар давомида Андижон вилоятининг Андижон, Асака ва Балиқчи туманлари ҳудудларида ўтказилди. Бунга боғлиқ равишда, диссертацияда мазкур вилоятларнинг тупроқ-иқлим хусусиятлари, шунингдек, зараркунанда тур таркиби ва аҳамияти тўғрисида қисқача тавсиф келтирилган. Олинган натижаларга Б.А.Доспехов (1985) ва Г.Ф.Лакин (1990) услублари

ёрдамида математик ва статистик ишлов берилди. Алоҳида ҳолатларда “ўртача хатоликни” ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилди. Вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) Ўзбекистон Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг математик моделлаш ва башорат лабораториясида яратилган компьютер дастури ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «Ғовакловчи пашшалар (*Agromyzidae*) турлари популяциясининг шаклланиши ва уларнинг экин турлари бўйича ривожланиш хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида итузумдошлар оиласига мансуб экинларда ғовакловчи пашшалар турларининг систематик таҳлили ёритилган. Сабзавот агробиоценозида ғовакловчи пашшалар турлари популяциясининг шаклланиши ва биологик хусусиятлари, ғовакловчи пашшалар турларининг ривожланишида турли экологик омилларнинг таъсири, ғовакловчи пашшалар турларини ривожланишини турли экин турлари бўйича ўзаро таққослаш натижалари келтирилган.

Республикамиз сабзавот агробиоценозида ғовакловчи пашшанинг асосан *L. sativae* тури учрайди (1-жадвал).

1-жадвал.

**Ғовакловчи пашшаларнинг (*Agromyzidae*) тур таркиби  
(Андижон вилояти, 2016-2017йй )**

№	Турлари	Туркум	Оила	Республика- мизда кайд этилганлиги
1	<i>Liriomyza sativae</i> Blanch	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	+
2.	<i>Liriomyza trifolii</i> Burg.	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	-
3	<i>Liriomyza strigata</i> Meigen.	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	+
4	<i>Liriomyza cicernae</i> Rodani	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	+
4.	<i>Liriomyza huidobrensis</i> Blanch.	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	-*
5.	<i>Liriomyza bryoniae</i> Kalt.	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	-*
6.	<i>Chromatomyia fuscula</i> Zett.	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	-*
7.	<i>Opimiya phaseolus</i>	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	-*
8.	<i>Phitomyza ilicis</i> Kert.	Diptera	<i>Agromyzidae</i>	-*

Изоҳ- \* Республикамизда тарқалган бўлиши мумкин.

Андижон вилояти шароитида сабзавот экинларида *L. sativae* популяциясининг шаклланиши ва айрим биологик хусусиятларини тадқиқ этиш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Ушбу турни помидор, ширин қалампир ва баклажон экини агробиоценозида популяцияси шаклланиши ва ривожланиш босқичининг давомийлигини, урғочи пашшаларнинг серпүштлигини ва экинлардаги зарарини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик. Итузумдошлар оиласига мансуб экинлар турида зараркунанда ривожланиш динамикаси тадқиқ этилди (2-жадвал).

**Турли хил шароитларда *L.sativaе* нинг пуштдорлиги  
(Лаборатория тажрибаси, 2016-2017йй).**


Тажриба вариантлари	Ҳаво харорати, t <sup>0</sup>	Нисбий ҳавонинг намлиги, %		
		40%	60%	80%
		Пуштдорлик даражаси, дона		
1	18-20°C	32,4	84,2	34,8
2	20 -25°C	164,4	210,7	145,2
3	25-30 °C	210,6	240,3	202,5
4	30-35 °C	78,6	168,1	81,5

Бундан кўришиб турибдики, ғовакловчи пашшанинг *L.sativaе* турининг ривожланиши учун энг қулай шароит 25-30° ҳаво ҳарорати ҳамда 60% нисбий ҳаво намлиги экани аниқланди. Бунда зараркунанда 240 тагача тухум кўйди. Ғовакловчи пашша +16°C ҳаво ҳароратида озикланишдан тўхтаб, диапаузага тайёрлана бошлайди. Шунинг учун ҳам 20°C ҳаво ҳарорати зараркунанданинг ривожланиб, кўпайиши учун нисбатан паст даража ҳисобланиб, 30-35°C ҳаво ҳарорати эса зараркунанда ривожланиши учун қулай шароит эмаслиги аниқланди.

*L.sativaе* турининг ривожланиш давомийлиги ва фазаларининг ўлчамлари 25°C ҳаво ҳарорати ва 60-65% нисбий ҳаво намлигида лаборатория шароитида ўрганилди. Лабораторияда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бизнинг тажрибамизда *L.sativaе*. турининг тўлиқ бир авлоди 17,5 кун давомида ривожланиб бўлди. *L. sativaе* турининг тухуми 0,18±0,01мм узунликда, ранги оқиш. Тухумининг инкубация даври 3,3±0,20 кунни ташкил қилди. Личинкаси 3 ёшни ўтайди.

Биз итузумдош экинларда ғовакловчи пашшаларни учрашини кузатдик. Кузатув натижалари ҳар 10 кунда назорат қилиб борилиб, бир ойлигини ўртачаси ҳисобланди. Унга кўра, битта баргдаги зараркунандаларнинг личинкалари ҳисобга олинди (1-расм).


Кузатувларга кўра апрел ойи охирида помидор экинининг битта баргида ўртача 0,2 дона ғовакловчи пашша личинкаси аниқланди. Ширин қалампирда эса шу ойда 0,1 дона личинка аниқланди. Бақлажонда эса 0,08 дона зараркунанда личинкаси аниқланди. Май ойида эса помидорнинг 1 та баргида ўртача 1,2 дона , ширин қалампирда 0,9 дона, бақлажонда эса 0,6 дона зараркунанда личинкаси аниқланди. Июнь ойида эса помидорнинг 1 та баргида ўртача 0,7 дона , ширин қалампирда 0,5 дона, бақлажонда эса 0,2 дона зараркунанда личинкаси аниқланди.



**1-расм. *Solanaceae* оиласи вакиллариининг ғовакловчи пашшанинг *L. sativae* тури билан зарарланиш даражаси (Лаборатория тажрибалари, 2015-2016йй).**


Июль ойида эса помидорнинг 1 та баргида ўртача 0,3 дона , ширин қалампирда 0,2 дона, бақлажонда эса 0,09 дона зараркунанда личинкаси аниқланди. Август ойида помидорнинг 1 та баргида ўртача 0,09 дона , ширин қалампирда 0,06 дона, бақлажонда эса 0,04 дона зараркунанда личинкаси аниқланди.

Зараркунанданинг личинкалари 4,5-5 кунда личинкалик даврини ўтади. Тажриба натижалари 2-расмда келтирилган. Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, ғовакловчи пашша (*L.sativae*) личинкалик даврида помидор экинин баргини сатҳини 0,75см<sup>2</sup> қисмини, ширин қалампирни барг сатҳини 0,62 см<sup>2</sup> қисмини, бақлажон экинини барг сатҳини эса 0,71см<sup>2</sup> қисмини зарарлагани аниқланди.



**2-расм. Ғовакловчи пашша(*L.sativae*) личинкалик даврида итузумдош оиласи вакиллари(помидор, ширин қалампир, бақлажон)нинг барг юзасини зарарлаши (см<sup>2</sup>)**

Диссертациянинг тўртинчи боби **Биоценозда ғовакловчи пашшаларнинг энтомофаг турлари ва хўжайин-энтомофаг мувозанатининг шаклланиши** деб номланган. Ушбу бобда ғовакловчи пашшаларнинг паразит энтомофаг турларининг биологик хусусиятлари ва биоценоздаги зараркунандада ривожланиши, агробиоценозда ғовакловчи пашшаларнинг энтомофаг тур таркиби ва пуштдорлигини аниқлашга доир лаборатория тадқиқотлари ва уларнинг натижалари келтирилган (3-расм).



**3-расм. *Diglyphus isaea* ва *Dacnusa sibirica*нинг *L. sativa* турида ривожланиши (ТошДАУ Андижон филиали биологическая лаборатория тажрибалари 2016-2017 й)**

7- кунда паразитлар бир нечта ғовакловчи пашшаларнинг личинкаларини зарарлаган бўлиб, улар ҳаракатсиз эди. 14-кунда паразит турларининг ортиши аниқланди унда *Dacnusa sibirica* паразитининг сони битта баргда 1,1 донани ташкил этди, *Diglyphus isaea* турида эса ушбу кўрсаткич бир оз кўпроқ бўлиб, 2,6 донани ташкил этди. 21-кунда эса паразитлар сони битта баргда 1,4 ва 3,1 донани ташкил этди, 28-кунда эса 2,1 ва 3,8 донагача ортди, 35-кунда эса 3,2 ва 4,5 ни ташкил этди. Кузатувнинг охириги кунлари паразитлар сони ортиб кетди ва натижада зараркунандалар сони битта ўсимликда 0,8-1,1 донагача бўлди. 42-кунда паразитлар 3,8 ва 6,2 донани ташкил этди. Демак икки паразит турларининг бир бирига нисбатан битта хўжайинда ҳар хил бўлиши ушбу паразитларнинг пуштдорлиги ва улар ҳаракатчанлиги турлича бўлишини кўрсатди. Шу билан бирга уларнинг ривожланиши учун қулай шароит керак бўлишини тақозо этади.

Диссертацияни бешинчи боби **Агробиоценозда ғовакловчи пашшалар турлари миқдорини бошқаришда энтомофаг турларининг самарадорлиги** деб номланган. Ушбу бобда ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда ҳамда экологик тоза сабзавот маҳсулотларини етиштиришда уларнинг паразит энтомофагларни ғоваловчи пашшалар миқдорини бошқаришда қўллаш бўйича тадқиқотлар ва уларнинг натижалари келтирилган. Тадқиқотларга кўра, зараркунандаларга қарши белгиланган меъёр ва муддатларда қўллаш натижасида юқори самарадорликка эришилган (3-жадвал).

### 3-жадвал.

***Dacnusa sibirica* ва *Diglyphus isae* энтомофагларини ғовакловчи пашшаларга қарши биологик самарадорлиги (Андижон вилоят Андижон тумани, 2016-2017й)**


№	Вариантлар	Энтомофаг қўллашдан олдинги зараркунанда миқдори, битта баргда ўртача, дона,	Энтомофаг қўлланилгандан сўнг, дона			
			7-кун	14-кун	21-кун	28-кун
1.	<i>Dacnusa sibirica</i> (1:10)	3,6	3,2	3,1	2,4	1,7
2.	<i>Diglyphus isae</i> (1:10)	4,1	3,4	2,8	2,1	1,4
3.	Назорат	3,9	3,8	4,1	4,3	3,4
<b>Биологик самарадорлик</b>						
1.	<i>Dacnusa sibirica</i> (1:10)	3,6	8,7	18,0	39,5	47,4
2.	<i>Diglyphus isae</i> (1:10)	4,1	14,9	35,8	53,5	60,8
3.	Назорат	3,9	-	-	-	-

*Dacnusa sibirica* ва *Diglyphus isae* паразитларини ғовакловчи пашшаларга 1:10 нисбатларда қўлланилганда 7-кун *Dacnusa sibirica* нинг биологик самарадорлиги 8,7%, *Diglyphus isae* эса 14,9%, 14-кун биологик самарадорлик *Dacnusa sibirica* да 18,0%, *Diglyphus isae* да эса 35,8% бўлди. 21 кун бунда ҳам ғовакловчи пашшаларлар миқдори камайиб борди. *Dacnusa sibirica*да биологик самарадорлик 39,5%, *Diglyphus isae* да эса 53,5%ни ташкил этди. 28-куни ғовакловчи пашшаларга қарши паразитларнинг биологик самарадорлиги *Dacnusa sibirica* да 47,4%, *Diglyphus isae* да эса 60,8 % ни ташкил этиб, мавсум сўнгига қадар ғовакловчи пашшаларни миқдорини бошқариб турди.

Диссертациннинг **Агробиоценозда ғовакловчи пашшаларнинг популяциясини бошқаришда агротехник тадбирлар ва пестицидларнинг**

**таъсири** деб номланган олтинчи бобида ғовакловчи пашшалар миқдорини бошқаришда самарали кимёвий препаратларни самарадорлиги аниқланган.

Жумладан, ғовакловчи пашшаларга қарши кимёвий кураш бўйича тажрибаларимизни “Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станциясида олиб бордик. Бунда биз ғовакловчи пашшага қарши Индоксамектин (Индоксакарб 7.5%+Абамектин 1.8%)0.2л/га ва Протект (Эмамектинбензоат 5%) 0.5кг/га кимёвий препаратларини қўлладик. Андоза сифатида эса Вертимек препарати олинди (4-расм).



#### **4-расм. Ғовакловчи пашшага (*Liriomyza sativae*) қарши кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги**

Тажрибаларимиз 4 та вариант 4 та қайтариқда олиб борилди. Препарат қўллашдан олдин ҳар бир ўсимликдан 10 та баргдаги личинкалар аниқланди. Бунинг учун ҳар бир вариантнинг 20 та жойидан 10 тадан 200 та барг бор. Ва шу орқали ҳар 10 та баргдаги личинкалар сони аниқланди.

Тадқиқотимизнинг 1-вариантида Индоксамектин (*Индоксакарб 7.5%+Абамектин 1.8%*) препарати 0.2л/га қўлланилганда, 1 та баргда ўртача 4,1 дона зараркунанда личинкаси мавжудлиги аниқланди.

Препарат қўлланилганда сўнг кузатувларимизнинг 3-куни зараркунанда сони 1,6 донагача камайгани аниқланди. Бунда кимёвий препаратнинг биологик самарадорлиги 60,9% бўлди. Тажрибанинг 7-кунида 1 та баргдаги зараркунанда сони 0,5 тагача камайди ҳамда препаратнинг биологик самарадорлиги 88,4% ни ташкил қилди. Тажрибанинг 14 кунида кимёвий препаратнинг таъсири бир оз сусайгани кузатилди. Яъни 1 та баргдаги зараркунанда сони 7-кунга нисбатан бир оз кўпайди. 1 та баргдаги зараркунанда сони 0,9 ни ташкил этди. Биологик

самарадорлик эса 79,7% ни ташкил қилди. Тажрибанинг 21 кунида 1 та баргдаги зараркунанда сони 1,3 та экани аниқланди, биологик самарадорлик 71,4% ни ташкил қилди. Кузатувларимизнинг 28 кунида 1 та баргдаги зараркунанда сони 2,0 дона ва биологик самарадорлик 57,1 % ни ташкил қилди.

Протект (*Эмаментинбензоат 5%*) н.кук. препарати 0,5 кг/га қўлланилган 2-вариантда 1 та баргда ўртача 4,2 дона зараркунанда личинкаси мавжудлиги аниқланди. Препарат қўлланилганда сўнг кузатувларимизнинг 3-куни зараркунанда сони 1,9 донагача камайгани аниқланди. Бунда кимёвий препаратнинг биологик самарадорлиги 55,8% бўлган бўлди. Тажрибанинг 7-кунида 1 та баргдаги зараркунанда сони 0,7 тагача камайди ҳамда препаратнинг биологик самарадорлиги 85,8% ни ташкил қилди. Тажрибанинг 14 кунида кимёвий препаратнинг таъсири бир оз сусайгани кузатилди. Яъни 1 та баргдаги зараркунанда сони 7-кунга нисбатан бир оз кўпайди. 1 та баргдаги зараркунанда сони 1,2 ни ташкил этди. Биологик самарадорлик эса 76,7% ни ташкил қилди. Тажрибанинг 21 кунида 1 та баргдаги зараркунанда сони 1,7 та экани аниқланди, биологик самарадорлик 69,6% ни ташкил қилди. Кузатувларимизнинг 28 кунида 1 та баргдаги зараркунанда сони 2,5 дона ва биологик самарадорлик 55,3% ни ташкил қилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Андижон вилоятида сабзаёт агробиеоценозида ғовакловчи пашшалардан *Liriomyza sativae* Blanch ҳамда *Liriomyza cicernae* Rond турлари учрайди. Энг кўп иқтисодий зарар *Liriomyza sativae* Blanch тури етказди.

2. Ғовакловчи пашшанинг *L. sativae* тури ривожланиши учун қулай иқлим шароити +25-30С °ҳаво ҳарорати ҳамда 60% нисбий ҳаво намлиги .

3. *L.sativae.* турининг тўлиқ бир авлоди ривожланиши учун юқоридаги шароитда 17,5 кунни ташкил этиши аниқланди, бу даврда Андижон вилояти шароитда ушбу зараркунанда тури 9 та авлод берди.

4. *L.sativae* турининг динамик ривожланиши Андижон вилояти шароити энг кўп популяция ҳосил қилган давр май ойида кузатилиб, битта помидор экинидаги ўртача битта баргда личинкалар миқдори 1,2 донани, ширин қалампирда 0,9 дона, бақлажонда эса 0,8 донани ташкил этди.

5. Ғовакловчи пашшалар турларини ривожланишини турли экин турлари бўйича ўзаро таққосланганда, *Cucurbitaceae* оиласининг 4 вакили қовун, тарвуз, бодринг ва ошқовоқ экинлари ҳамда *Solanaceae* оиласидан эса помидор, *Fabaceae* оиласи вакили нўхот экини кучли даражада зарарланади.

6. Ғовакловчи пашшанинг личинкалик даври тўлиқ ривожланиши учун помидорнинг 0,75 см<sup>2</sup>, ширин қалампирнинг 0,62 см<sup>2</sup>, бақлажонни эса 0,71см<sup>2</sup> барг юзаси билан озиқланди.

7. Ғовакловчи пашшанинг *L.sativae* тури помидор экинининг гуллаш даврида тарқалса 3-5 баллгача, мева туғиш даврида эса 4-5 балл даражасида эгаллаган бўлса, ҳосилни катта қисмини йўқотиш мумкин.

8. Паразит энтомофаглардан *Diglyphus isaea* ва *Dacnusa sibirica* турлари табиатда бирга ривожланиб, ғовакловчи пашшаларга қарши *Dacnusa sibirica* паразитининг ғовакловчи пашшаларни камайтиришдаги улуши 30 % ни ташкил этиб, *Diglyphus isaea* паразити эса бир мунча пуштдор эканлиги аниқланиб жами йиғилган намуналарнинг 66% ни ташкил этди.

9. Энтомофагларни *Liriomyza sativa* турида лаборатория шароитида кўпайтириш жараёнида энг мақбул хўжайин ўсимлик ловия экани аниқланиб, *Dacnusa sibirica* ва *Diglyphus isaea* ни ривожланиши нисбий ҳаво намлиги 60-65% бўлган шароитда қулай ҳаво ҳарорати +25°C .

10. *Dacnusa sibirica* ва *Diglyphus isae* паразитларини ғовакловчи пашшаларга қарши алоҳида 1:10 нисбатларда 7 кун оралатиб 3 маротаба қўлланилганда, 28-кунда биологик самарадорлик *Dacnusa sibirica* да 47,4%, *Diglyphus isae* да эса 60,8 % ни ташкил этди.

11. *Dacnusa sibirica* ва *Diglyphus isae* паразитларининг биологик хусусиятларига кўра *Liriomyza sativa* тури миқдорини бошқаришда *Diglyphus isae* эса катта ёшдаги зараркунанда личинкаларини зарарласа, кичик ёшдагиларни эса *Dacnusa sibirica* тури зарарлаши аниқланди. Икки турни биргаликда қўллаш натижасида 28-кунда 75,8% гача биологик самарадорликка эришилди.

12. Ғовакловчи пашшалар миқдорини камайтиришда агротехник тадбир-тупрокни қиздириш тадбири самарали таъсир кўрсатди.

13. Ғовакловчи пашшаларга қарши янги кимёвий препаратлардан Индоксамектин (*Индоксакарб 7.5%+Абамектин 1.8%*) 0,2 л/га қўлланилганда кузатувларнинг 7-кунда биологик самарадорлиги 88,4% ни ва Протект (*Эмамектинбензоат 5%*) 0,5 кг/га қўлланилганда эса 85,8% ни ташкил қилди.

14. Ғовакловчи пашшаларга қарши кураш усулларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигига кўра кимёвий препаратлардан Индоксамектин (*Индоксакарб 7.5%+Абамектин 1.8%*) 0,2 л/га қўлланганда, рентабеллик 48,8%, биологик усул (*Dacnusa sibirica* ва *Diglyphus isae*) қўлланилганда 52,5% ни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСАШОВА УМИДАХОН АНВАРЖАНОВНА**

**МИНИРУЮЩИЕ МУХИ (*Agromyzidae*), ПОВРЕЖДАЮЩИЕ КУЛЬТУРЫ  
СЕМЕЙСТВА ПАСЛЁНОВЫХ И МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ИХ  
ЧИСЛЕННОСТИ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Qx299.**

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:** Аманов Шухрат Бахтиёрович  
доктор сельскохозяйственных наук  
Маматов Камол Шавкиевич  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Институт Зоологии

Защита диссертации состоится « 21 » декабря 2018 года в 13<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административном здании Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц зал ).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 535950) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан « 7 » декабря 2018 года.  
(реестр протокола рассылки номер 35,4 « 3 » декабря 2018 года.)

**Ш.Э.Намазов**

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

**Я.Х. Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

**М.М.Адиллов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Поскольку 1/3 часть населения земного шара страдает от голода возникает необходимость продуктивного использования сельскохозяйственных земель и привлечения в производство новых инновационных научных технологий. Из года в год наблюдается увеличение спроса в плодоовощной продукции, потребляемой населением непосредственно без переработки. Вместе с тем, для обеспечения населения экологически чистой и качественной продукцией круглый год актуальным является создание и внедрение в сельскохозяйственную практику научнообоснованных современных технологий.

В процессе выращивания овощных культур в мировом масштабе существует ряд проблем по их защите от вредителей и болезней, и наблюдается гибель в среднем 20-40 % овощных культур за счёт поражения болезнями и вредителями<sup>1</sup>. Кроме того, применяемые с целью регулирования количества вредителей и болезней химические препараты наносят вред окружающей среде и здоровью человека и появляются новые, устойчивые к применяемым против них пестицидам поколения вредных организмов. На увеличение существующих проблем также влияет глобальное изменение климата на земном шаре, разрушение биологической цепочки, резкое возрастание численности некоторых вредителей и приводит к появлению ряда проблем по регулированию их количества.

Умеренные климатические условия нашей республики благоприятны не только для земледелия, но и создают широкие возможности для размножения вредных организмов. Овощеводство в республике, наряду с другими отраслями сельского хозяйства ускоренно развивается. Плодоовощная продукция имеет особенно большое значение в повышении экспортной способности, укреплении сельскохозяйственной экономики. В развитии овощеводства актуальной проблемой на сегодняшний день считается создание новых сортов, совершенствование методов борьбы против болезней и вредителей.

Овощные культуры в республике высеваются более чем на 344 тыс. гектарах в открытом грунте и свыше 10 тыс. гектарах в теплицах. Овощные культуры поражают несколько видов вредителей, среди которых некоторые представители семейства *Agromyzidae* являются основными. В обеспечении продовольственной безопасности республики, а также развитии экспортной способности актуальной задачей является защита овощных культур от вредителей, болезней и сорняков с целью сохранения урожая сельскохозяйственных культур от вредителей, а также обеспечения населения продуктами питания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указанных в Законе Республики Узбекистан «О защите сельскохозяйственных культур от вредителей, заболеваний и сорняков», в

---

<sup>1</sup> FAO, 2016.

Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 марта 2004 года за №148 «О мерах по совершенствованию структуры и повышению эффективности службы защиты растений», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

